

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 216 (10.019)

2003 ЙИЛ 6 НОЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ОММАВИЙ СПОРТ ТАРҒИБОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланб бормоқда. Юртимиз вакиллари турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришган, республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини ҳамон топа олмаётганини, мавжуд имконияتلардан самарали фойдаланмаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бундай ҳол ва камчиликларнинг сабаблари аввало матбуот соҳасида журналистларнинг ихтисослашуви талаб даражасида эмаслиги, хусусан, спорт журналистларининг профессионал савияси пастигли, юртимизнинг айрим жойларида ота-оналар, мутасадди раҳбарлар ўртасида спорт соҳасига лоқайдлик билан қараш ҳоллари мавжудлиги, бу масала бўйича жамоатчилик фикри суст шаклланаётгани билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ўзбекистон телевидениесининг 4-«Халқаро» телеканалини махсус «Спорт» телеканалига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Спорт» телеканалини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар бўйича «Ўзтелерадио» компанияси тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан тегишли маблағларни ажратсин;

2004 йилдан бошлаб ҳар йили «Спорт» телеканалини ва радио эшиттиришларни давлат бюджетидан молиялаштиришни «Ўзтелерадио» компаниясининг йиллик харажатлари доирасида ҳисобга олсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги «Спорт» телеканалини техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боғлиқ масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Телерадиоканаллари» тизимини техника билан комплекс қайта жиҳозлаш тўғрисида» 1997 йил 25 августдаги 412-сон қароридан кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси Молия вазирлиги ва Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда янги «Спорт» телеканали фаолиятини ташкил этиш, унинг дастурини мамлакат ҳудудида эфир орқали узатиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзтелерадио» компаниясига: «Спорт» телеканали курсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмда;

2004 йилнинг апрель ойидан бошлаб кунига 8 соат ҳажмда ишга туширишга; Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтиришга;

ижодий жамоалар, юридик ва жисмоний шахслар билан муайян ишларни бажариш учун мuddатли шартномалар тузиш ҳамда қелишдиган баҳолашни тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

6. «Спорт» телеканалининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат деб бел-

гилансин:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт маданиятини юксалтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;

болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини изчил равишда олиб бориш;

Ўзбекистон спорт ҳаётини, миллий спорт турларини, халқ ўйинларини, мамлакатимиз вакиллариининг халқаро спорт майдонларидаги иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш;

халқаро спорт федерациялари ва клублари, спорт турлари ва машур спортчилар тўғрисида курсатувлар, теле-радиоочерклар, видеороликлар, клиплар тайёрлаш ва намойиш қилиш; халқаро ва хорижий мамлакатлар спорт матбуоти, телерадио каналлари билан ҳамкорликда Олимпиада ўйинлари, Жаҳон ва Осиё биринчиликлари, бешқа нуфузли халқаро мусобақалардан бевосита курсатув ва репортажлар тайёрлаш.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарк» нашриёт-матбаа компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш, мавзуга оид китоб, альбом, плакат ва буклетларни мунтазам ва режали асосда нашр этиб бориш тасвია этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Молия вазирлиги билан биргаликда ўз тасаруфидидаги нашрларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижодий жамоаларга малакали спорт журналистларини жалб этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Ўзтелерадио» компанияси оммавий спорт тарғиботи бўйича алоҳида фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш учун куйидаги миқдорда йиллик мукофотлар тасвие этсин:

1-мукофот - энг кам иш ҳақининг 20

баробари;

2-мукофот - энг кам иш ҳақининг 15 баробари;

3-мукофот - энг кам иш ҳақининг 10 баробари.

Мукофотлар тўғрисидаги Низом бир ой мuddат ичида ишлаб чиқилсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин.

Мукофотланганлар рўйхатини 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 27 июнь - «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин» байрами арафасида эълон қилиш тасвие этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига оммавий ахборот воситалари учун спорт соҳасига ихтисослашган малакали журналистлар тайёрлаш мақсадида Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоғистон Давлат университети ва Жаҳон тиллари университетиде истиқболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда спорт журналистикаси бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, спорт журналистикасига ихтисослашган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган вазифаси юклансин.

2003/2004 ўқув йилида республика олий таълим муассасалари магистратурасида «Спорт журналистикаси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилгани маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекино» компанияси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадий академияга инсоннинг маънавий ва жисмоний камолотида оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадий асарлар яратиш бўйича маърифий, ижодий ишлар режаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш тасвие этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 ноябрь

XXI саҳоси

Барча маълумотлар
одинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда


• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Бремен Федерал ери Сенати делегацияси кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида бўлди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов билан учрашди.

• «Ўзстандарт» агентлигида суюқликлар ва газ сарфини ўлчаш бўйича янги халқаро стандартни татбиқ этишининг самаралари масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида Бадий Академиянинг Замонавий санъат марказида «Но театри ниқоблари» номли кўرғазма очилди.

• Европа давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, қишлоқ ҳўжалигини такомиллаштириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга келди.

• Андижон вилояти Избоскан тумани пахтакорлари қабул пунктларига 28635 тонна «оқ олтин» топширган ҳолда давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажарди.



• Литва Президенти Роландас Пакас ўзининг Брюсселга амалий ташрифини НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон билан учрашувдан бошлади.

• Франция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан коррупцияга қарши Конвенция қабул қилинганлигини қўллаб-қувватлади. Шу йилнинг 30 октябрда қабул қилинган ушбу Конвенция Мексикада декабрда ўтказиладиган олий даражадаги конференцияда имзолаш учун берилади.

• АҚШ КХДРга Корея уруши тўхташига асос бўлган битим ўрнига тинчликпарварликка йўналтирилган янги шартномани тақлиф этди. Ўз навбатида Шимолий Кореядан ядро дастури, кимёвий қурол ва баллистик ракетаалар ишланмаларини тўхта-тиш талаб қилинади.

• Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида полиция маҳкамалари ва патруль хизматчиларига ҳужум уюштирилди. Шаҳарнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган отишмалар чоғида 2 нафар полициячи ҳаётдан кўз юмди, 7 нафари жароҳатланди.

• Ортирилган иммунитет танқислиги синдромига қарши ишлаб чиқилган вакцина олимлар Жанубий Африка давлатининг 24 фукаросида синиб кўрмоқдалар.

• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова олиб борди. Йиғилишда мутасаддилар жорий йилда танловнинг туман босқичларида адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишлари бўйича иштирок этган 200 нафар иқтидорли қизлардан шаҳар комиссиясига тавсия этилган номзодлар таркиби билан танишдилар. Номзодлар 48 нафарни ташкил қилиб, бу ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 11 тага кўпдир.

Комиссия аъзолари саралаб олинган номзодларнинг ишлари билан танишишар экан, айрим туман комиссиялари бироз суст фаолият олиб бориб, баъзи туманлардан танловнинг шаҳар босқичида иштирок этишга етарли даражада лойиқ бўлмаган номзодлар тавсия қилинганлигини кайд этишди. Чунончи, Акмал Икромов туманидан фақат 2 та йўналиш бўйича (адабиёт, таълим), Бектемир туманидан эса биттагина йўналиш бўйича номзод танлаб олингани салбий баҳоланди. Йиғилишда ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Урта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан олиб борилаётган тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, жорий йилда номзодларни танлаш борасида бироз ўзгариш бўлди, яъни мукофотга талабгор 25 фатихда фақат 15 ёшдан 25 ёшга бўлган номзодлар саралаб олинди. Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш йўриқномаси» га ушбу қўшимча-нинг киритилиши ижобий баҳоланиб, бунинг сабаблари санаб ўтилди. Комиссия аъзолари, мутахассисларнинг фикрича, инсон баалоғат ёшига етганда ўз ҳаёт йўлини онгли равишда танлашга, ўз имкониятларидан фойдаланиш йўллари билан аниқлаб олишга қодир бўлади. Зеро, Зулфия номидаги давлат мукофоти иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиклол голяри ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган.

Йиғилишда шунингдек, комиссия аъзолари томонидан «Зулфияхоним қизлари» танловининг фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият йўналишлари бўйича шаҳар босқичи ўтказиладиган кунлар ва манзиллар белгилаб олинди.

Шахноза ҚУДРАТХҲАЕВА

Сайловларга тайёргарлик жараёни бошлангандан буён ушбу йўналишда ўтказиладиган семинар-кенгашлар ташкилий масалаларни ҳал этишга қулайлик яратаётганини таъкидлаш ўринли. Бу тадбирларнинг асосий мақсади — тайёргарлик ишларини тўғри ташкил қилиш ва сайловларни юқори савияда ўтказишга йўналтирилган. КЕЧА бўлиб ўтган навбатдаги шаҳар семинарида ҳам бўлажак сайлов кампаниясига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди, туман комиссиялари ва ишчи гуруҳларининг шу кунга қадар амалга оширилган ишлари бўйича ахборот берилди, айрим маҳаллаларда жорий этилган тажрибалар хусусида ҳам сўз борди.

Семинар-ни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга кўмаклашиш шаҳар комиссияси раиси Абдуқаҳор Тўхтаев олиб борди.

Таъкидлаш жоиз, бўлажак сайлов кампанияси жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий-сиёсий тадбирдир. Шу боисдан ҳам сайлов жараёни мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ўзгаришлар ва ҳақиқий фуқаролик жамияти қуриладиганининг ёрқин намунаси бўлиб қолади дейиш мумкин. Семинарда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар комиссияси аъзоси Икромбек Бердибеков ўзини ўзи бошқариш органларининг ушбу жараёндаги роли ва аҳамиятига урғу берар экан, айтиш кезда маҳалла шунчаки тарбия ўчоғи бўлишига қўлмай, уни жойида — маҳалланинг ўзида ижтимоий, иқтисодий йўналишдаги масалаларнинг ҳал этилишига эришилган ўзига хос кичик ҳокимият деса бўлади, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни беқийёс. Ўз навбатида шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш ўринлики, кўп асрлик анъаналарга бой маҳалла ўзининг ҳақиқий ижтимоий-ҳуқуқий пойдеворига фақатгина Мустақиллик шарофати билангина эришди. Бунга бугунги кунда маҳаллага давлат бошқаруvinинг бир қатор ваколатлари ишониб топширилиб, унинг мавқеи тобора ошиб бораётгани исбот бўла олади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали

йиғилишдаги нутқида «Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, куйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўз олдимишга кўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади» дея таъкидлаб ўтганди.

Албатта, бу борадаги вазифаларнинг амалга оширилишида маҳаллаларнинг, жумладан, биринчи навбатда ҳар бир оила, маҳалланинг ҳар бир

органларининг янги таркиби қандай масалаларга эътибор қаратиши юзасидан ҳам тақлифлар беришган.

Бундай тажриба кўпчиликка маъқул тушгани боис, семинар давомида саволнома намуналари ҳамда ишчи гуруҳга сайлов кунларида зарур бўладиган ҳужжатлар тўплами ҳам тарқатилди.

Семинарда сўзга чиққан шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихситилла Ақромов сайлов жараёнида бўлиб ўтадиган мажлис кун тартибига киритилган муҳим масала — оқсоқоллар ҳисоботи устида тўхталиб ўтиб, у фақат қилинган ишлар рўйхати, тақсимланган моддий

маблағлар бўйича ахборот, эришилган ютуқлардан иборат ҳисобот бўлибгина қолмай, балки унда ҳар бир фуқаролар йиғини кенгашининг икки ярим

йиллик фаолияти тўлалигича акс этиши зарур деб таъкидлади.

Сайловларнинг кўтаринки руҳида ва муваффақиятли ўтишида маҳаллаларда ташкил қилинган ишчи гуруҳларнинг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутиши хусусида ҳам мулоҳазали фикрлар билдирилди. Жумладан, бу борада гуруҳлар аъзолари ҳар бир оила, ҳар бир фуқарога сайлов моҳиятини тушунтириб, унда фаоллик билан қатнашишни таъминлаш бўйича олиб бориладиган тадбирлар кўламини кенгайтириш мақсадида мувофиқлиги ўқтирилди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов тарғибот-ташвиқот жараёни янада кучайтириш лозимлигига эътиборни қаратди ҳамда бу йўналишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтди.

Семинарда шунингдек, айрим маҳалла ишчи гуруҳларининг фаолияти юзасидан ахборотлар тингланди, туман комиссиялари ўз йўналишлари бўйича амалга оширадиган ишлар ҳақида тажриба алмашишди. Тадбир сўнггида семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан батафсил жавобларни олдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Н.Жўраев қатнашди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

• МАҲАЛЛА САЙЛОВ АРАФАСИДА

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Яна бир неча кундан сўнг пойтахтимизда бутун республикамиздаги каби ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланади. Шу мақсадда айтиш кунларда жойларда фаоллик билан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳокимликлар қосида тузилган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга кўмаклашиш комиссиялари ўз ваколати доирасида тегишли ишлар билан машғул бўлса, маҳаллаларда аҳоли иштирокида ташкил қилинган ишчи гуруҳлар ҳам ўзига юклатилган энг муҳим ва асосий вазифа — сайловларга тайёргарлик ишларини олиб бориш ва уларни ўтказишга доир барча амалий ишлар билан банд.

фуқароси фаровонлигини таъминлашдек масъулият ишониб топширилган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ҳам ўрни алоҳидадир. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига тўғри номзодлар танлаш масаласига катта эътибор берилётгани бежиз эмас. Семинарда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, оқсоқолликка номзодлар сайланаётганда биринчи галда аҳолининг тақлифларини ўрганиш, фуқаролар йиғинининг бўлажак раисини яхши билган ва таниган инсонлар фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратилиши муҳимдир. Бўлажак оқсоқол авваламбор ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўяётган талабларга жавоб бериши лозим. Дарҳақиқат, оқсоқоллик вазифасига маҳаллада обрў-эътибор қозongan, камол толган, тўғрисиўз, ҳалол инсон лойиқ бўлади. Бундай номзодларни аниқлашда айрим маҳаллаларда сўров усулини қўллаш жоиз деб топилди. Чунончи, Собир Раҳимов туман комиссияси раиси Шавкат Эргашев бу борада миқсоллар келтириб, хусусан, барча маҳаллаларда аҳоли ўртасида саволнома тарқатилганининг самараси ҳақида гапириб ўтди. Ушбу саволномага жавобан фуқаролар фақат бўлажак оқсоқол ҳақида фикр билдириш билангина қийоғланмасдан, балки ўтган вақт ичида айрим маҳалла фаоллари томонидан йўл қўйилган баъзи бир эътиборсизликларни ҳам айтиб ўтиб, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш

Ҳар доимгидек, жорий йилда ҳам грипнинг олдини олиш борасида 30 мнгдан зиёд аҳоли эмлашдан ўтказилган, бу борада асосий эътибор меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига қаратилган.

Комиссия йиғилишида профилактик тадбирларнинг мунтазам олиб борилиши зарурлиги таъкидланиб, бу борада баъзи қўшни давлатларда кузатиладиган ҳавфли юқумли касалликларнинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келишини олдини олиш чоралари юзасидан барча мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбарлига тегишли тавсиялар берилди.

Ильмира ШАРИПОВА

ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида эпидемияга қарши кураш шаҳар фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Қурбонов олиб борди.

Куз — табиатнинг энг ўзгаришчан фасли ҳисобланади. Эрта билан кун очилиб турса, бироздан сўнг ёмғир шивалайди ёки тўсатдан совуқ-хувиши ҳам мумкин. Об-ҳаво ҳароратининг бундай кескин кўтарилиб-пасайиб туриши инсон саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Шу боисдан куз мавсумида турли касалликлар ва айниқса ўткир респиратор хасталикларнинг кўпайиши кузатилади. Шаҳар санитария-эпидемиология нazorати марказининг эпидемияга қарши кураш фавқулодда

комиссиясига берган ахбороти бўйича, ҳар кунги ўткир респиратор касалликларга чалинган кунга қадар грип рўйхатга олинаётган бўлса, шу билан бирга вақтида ва тезкор олиб бориладиган профилактик чора-тадбирлар туфайли шу кунга қадар грип касаллиги аниқланмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 2005 йилгача грип ва ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш ва эпидемияга қарши кураш дастурига мувофиқ жорий йилда ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар ав-

густ ойдан бошлаб жорий этила бошлаган. Ҳозирги кунда қатор объектларда грип эпидемияси даврида ишлатишга мўлжаллаб дезинфекция воситаларининг захираси, аҳоли билан бевосита мулоқотда бўладиганлар учун зарур миқдорда никоблар тайёрлаб қўйилган. Барча дорихоналарда грипга қарши дори воситаларининг сотуви ташкил этилган. Шунингдек, тиббий даволаш муассасаларида ҳам тегишли равишда бемор ўринлари мавжуд, лаборатория асбоб-ускуналари тўлик жиҳозланган.

Маълум

ТОЛИБИ ИЛМЛАРНИНГ КИЧИК АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика институтини мамлакатимизда ўз нуфузига эга бўлган йirik илмий муассасалардан бири ҳисобланади. Бу даргоҳда малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган академик Саъди Сирожидинов номидagi лицей билан ҳамкорлик ҳам самарали бўлмоқда. Институтнинг етакчи олими, академик Миразиз Аҳмедов эса бу ўқув даргоҳида таҳсил кўрсатаётган бир неча толиби-илмий ўз оталигига олди. Лицейнинг М.Миробидов, М.Расулова, Б.Мусаева каби иқтидорли ўқувчилари ҳам олим эътиборини ўзига тортиди. Улар академик қўл остида илмий изланишларга киришиб, биология фани олдига турган қатор муаммоларни илмий асосда ҳал этиш билан шуғулланмоқдалар.

Устоз олим йўриқномаси билан ўсимлик генетикасига оид мавзуларда амалга ошириладиган бу изланишлар умидли ёшлар учун кичик академия бўлиб хизмат қилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Санъат

«ДАВР САДОЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида «Давр садолари» фестивали шахримизда муваффақиятли давом этмоқда.

Жумладан фестиваль доирасида Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Сўғдиёна» ўзбек халқ чоғулари камер оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

Ушбу концертда бастакорлар Фарход Алимовнинг «Уйғур куйлари асосида фантазия», Аваз Мансуровнинг «Мозийдан садо» мусиқий асарлари ижро этилди.

Шунингдек, бастакорлар Дилором Омонуллоева, Мустафо Бафоевларнинг оҳанграбо куйларини ҳам томошабинлар мириқиб тинглашди.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Санъат — нури шуъла. Мехриб ёғду. Унинг алангали учкунлари бутун борлиқни бирдай ёритидади. Сехрли наволари инсонларни эзгуликлар сари қорлайди.

Кеча Ғеёте институтида Германиядан ташриф буюрган мусиқачилар билан Ҳамза номидagi мусиқа коллежи ўқувчилари ва талабалари ҳамкорлигидаги орган мусиқаси концерти бўлиб ўтди.

Концертда оҳанграбо куйлар, диграбо кўшиқлар, жозибдор рақслар ижро этилди. Концерт сўнггида хорижлик меҳмонларга коллеж талабалари томонидан гуддасталлар тақдим этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон — умумий уйимиз

ЮРАҚДАН ЖЎШИБ КУЙЛАДИЛАР

Санъатсиз — келажак йўқ. Мана бир неча кундирки Республика Байналмилал маданият маркази дўстлик, қардошлик, она-Ватан мадҳини тараннум этувчи куй-кўшиқлар, шўх наволар оғушида. Миллий-маданий марказларнинг «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шiori остида ўтаётган Республика фестивалининг шаҳар босқичи турли миллат вакиллари ягона мақсад — тинчлик, тотувлик, ўзаро ҳамдўстлик, ягона оиллага бирлаштиришини кўрсатмоқда.

Навбатдаги катта концерт дастурида белорус, болгар, рус ва украин миллий-маданий марказларнинг «Калинушка», «Русские зоры», «Черемшина», «Движение», «Джерело», «Улибка» ва «Хоро» фольклор бадий жамоалари, «Капельки» дасталари ўзларининг бетакрор маҳоратларини намойиш этдилар. Улар ижросида янраган дўстлик, қардошлик, тинчлик-тотувлик, она-Ўзбекистон ҳақидаги жозибдор, дилга яқин куй-кўшиқлар, чиройли рақслар фестивалнинг янада жонли ва кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилди.

— Биз дўстлик фестивали ўтаётган шу кунларда гувоҳ бўлиб турибмизки, ҳар бир миллат ўзининг миллий санъатига, урф-одати, маданияти, ўлмас қадриятларига сув ва ҳаводек эҳтиёж сезар экан, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори ўринбосари Муножатхон Нурматова. — Катта сахнада ўз кўшигини, рақсини зўр ҳаяжон билан ижро этаятган ҳар бир иштирокчининг бахтиёрлик яшатиб турган чеҳрасидан ана шунини илғаб олиш қийин эмас. Фестивални ўтказишдан мақсадимиз ҳам шу эди. Токи ҳар бир миллат биргина эзгу тилак: тинчлик-тотувлик, ҳамқор ҳамдўстлик ҳақида куйлар экан, она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ҳисси уларни асло тарк этмайди.

Миллий-маданий марказлар қошида фаолият юритаётган бадий жамоаларнинг чиқишларидан хох у катта ёшдаги, хох энг кичик иштирокчи бўлсин санъатга бўлган меҳр улар қалбидан чуқур жой эгаллаганини оддий томошабин ҳам сезиб турди.

Айниқса, «Нэсэ Галя воду» украин халқ кўшиги «Бъзо хоро», болгар халқ рақси «Березинька», рус халқ кўшиги ва «Ниҳол—2003» танлови голиби Оксана Нечитайло ижросидаги «Червона Рута»

украин халқ кўшиги ва «Нозли» ўзбек халқ кўшиги каби шўх ва дилбар наволар байрамга йиғилган барча томошабинлар томонидан катта олқишлар билан кутиб олинди.

Биз ҳар бир иштирокчининг чиқишини кўтаринки кайфият билан кутиб олаётган томошабинлардан айримларини сўхбатга тортидик.

**Елена Ермак,
Мирзо Улугбек туманидаги
210-мактабнинг мусиқа
ўқитувчиси:**

— Уйлайманки, фестиваль барча томошабинларда катта таассурот қолдирди. Мактабимизда турли миллат фарзандлари таълим-тарбия оладилар. Рус, болгар, украин марказлари қошидаги бадий жамоалар иштирокчилари бўлган ўқувчиларимизнинг чиқишлари бизни жуда тўлқинлантириб юборди. Ўзим рус миллатига мансубман, турмуш ўртоғим украин, қизим эса «мен ўзбекман» дейди фахр билан. Ҳаммамиз ягона оила она-Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга ҳаракат қиламиз. Юртимиздаги тинчлик, осейишталikka ҳеч қачон кўз тегмасин.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,
шу мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси:**

— Миллатлар тотувлиги, ҳамжихатлигининг ёрқин ифодаси бўлган ушбу байрамга қизим билан ташриф буюрган эдик. Ўқитувчи сифатида ўзим учун жуда кўп нарсаларни олдим. Томошабинларнинг, иштирокчиларнинг яқдиллиги, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари мени ҳайратга солди. Бундай байрам кечаларининг ўтказилиб турилиши фарзандларимизни халқига, Ватанига, ўз тили, маданияти, урф-одатларига бўлган меҳр-



муҳаббатини янада оширади, тарбиявий аҳамияти жуда катта бўлади.

Тадбир якунида анангага кўра қатнашчиларни Миробод ва Чилонзор туман ҳокимликлари вакиллари Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирладилар. Тадбирнинг энг кичик қатнашчилари, томошабинлар олқишига сазовор бўлган Мирзо Улугбек туманидаги 171-мактаб ўқувчилари, рус миллий-маданий маркази вакиллари — «Улибка» бадий жамоасига Республика Байналмилал маданият маркази томонидан махсус совғалар топширилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Республика
Байналмилал маданият
марказида
бўлиб ўтган дўстлик
фестивалидан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.**



• БАНК

ҲАМ АВТОМОБИЛЬ, ҲАМ ДАРОМАД ОЛАСИЗ

Банклар томонидан аҳолига турли хил кредитларнинг берилиши кишиларнинг ўз ҳаётий ва маиший эҳтиёжларини қондиришлари борасида салмоқли ўрин тутади. Ушбу кредитларни ўзига хос ижтимоий Ҳимоя воситаси десак ҳам адашмаймиз. Айтилайлик, сиз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчисиз ёхуд автомобиль, рўзгорда қўлланиладиган маиший техника воситасини харид қилмоқчисиз. Бунда албатта, банк кредитлари сиз учун айна мудоао бўлади.

Қувонарли томони шундаки, кейинги пайтларда юртимизда истеъмол кредитлари бераётган банкларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Масалан, «Замин банк»и асосан рўзгорда қўлланиладиган техника воситалари, «Узўйбойжамгарма-банк» эса мана бир неча йилдирки, автомобильлар, қурилиш ашёлари сотиб олиш, оилавий тантаналар ўтказиш, даволаниш, олий мактабда ўқиш учун аҳолига истеъмол кредитларини тақлиф этмоқда. «Асака банк»и ва Халқ банки эса автомобиль сотиб олиш учун кредитлар ажратмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи

иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам «Уздэуавто» акциядорлик жамияти автомобилларини сотиб олиш учун банк кредитларидан фойдаланиш тилакни эътиборга олади. Бунинг учун нақд пул маблағларини «Ният» депозитига қўйиб шарти билан кредит автомобиль қийматининг 100 фоизи миқдоридан берилди. Бунда кредит бўйича фойз ставкаси йилга 10 фоиз, депозит бўйича даромад йилга — 4,5 фоиз, депозит қиймати автомобиль қийматининг 50 фоизидан иборат бўлгани ҳолда кредит муддати 3 йилни ташкил этади. Қарз кўтарувчи мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла-тўқис

ижро этиш кафолати бўлганидагина кредит берилиши мумкин. Хужжатлар тақдим этилганидан кейин банк миқозининг тўловга нечоғлик қодирлигига баҳо бериб, кредит бериш имкониятларини кўриб чиқади. Банк ижобий қарор чиқарадиган бўлса, у ҳолда кредит олувчи савдо ташкилотининг ҳисоб varaгини ёки товар етказиб бериш шартномасини тақдим этади. Шунини таъкидлаш жоизки, сотувчини миқозининг ўзи қидиради, бундан мақсад шуки, у, яъни қарз олувчи имкон қадар товарни арзонроқ нарҳда сотиб олиш имкониятини излайди. Бу

ўринда, банкнинг кредит ходими ана шу савдо ташкилоти билан албатта танишиб олиши керак. Миқоз ўзининг орзуидаги автомобилни харид қилганида, банкдаги ҳисоб varaғидаги пуллар эса унинг фойдасига ишлайди, яъни даромад келтиради. Кредит шартлари икки томон — яъни миқоз ва банк учун ҳам манфаатлидир. Миқоз кредит суммасининг 50 фоизини 3 йил давомида ойлик бадаллар билан қайтариб боради, қолган 50 фоизи эса, кредитлаш даври охирида «Ният» депозитидаги маблағлар ҳисобидан қопланади. Кредитни расмийлаштириш учун бюртмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг барча бўлимлари томонидан қабул қилинмоқда.

Уйлаймизки, автомобиль сотиб олиш учун жуда ўнғай бўлган кредитнинг янги тури ҳам шаҳарларимизга ана бир қўлайлик яратяди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУДДА ҲАҚАМЛАР ИШТИРОКИ

АҚШ Мэриленд штати университетининг суд таълими бўйича мутахассиси Уильям Берман Тошкент Давлат юридик институти 4-курс талабаларига очик дарс ўтди.

Тадбир Марказий Осиёда суд таълимини ривожлантиришга кўмаклашувчи АЙРИС ЮСАИД лойиҳаси доирасида ташкил этилган бўлиб, унда асосан суд жараёнида ҳақамлар иштироки ҳусусида фикр алмашди. Маълумки, ҳақамлар суди ёки сайёр суд бизда ҳам мавжуд. Аниқроғи назарий мавжуд бўлгани ҳолда амалда деярли қўлланилавермайди. АҚШда эса ҳақамлар иштироки судда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

У.Берманнинг таъкидлашича, АҚШда ҳақамларнинг суд жараёнида пассив иштирок этиши таъминланади. Яъни улар гапирмайдилар, савол бермайдилар фақат қўзғатдилар. Лекин улар бир вақтнинг ўзида суд жараёнини қонуний ва холисона ўтишига кафолат бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек тадбирда жиноий ишлар бўйича суд жараёнида ҳақамлар ёки маслаҳатчиларнинг иштироки, уларнинг таъсирлилиги масаласига эътибор қаратилди. Унда айтилишича, суд жараёнида маслаҳатчилар ёки ҳақамлар иштироки, уларнинг ҳал қилувчи фикрларга эга бўлиши адоқат ва прокурорнинг тенглигини таъминлайди.

«Турконт-пресс»

• ҚАРОР ВА ИЖРО

МАҚСАД ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

Урта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик иқтисодий тарихининг асосини ташкил этади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач тадбиркорликка катта аҳамият қаратилиб, уларни қўллаб-қувватлаш, равнақ топишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида қатор ҳужжатлар чиқарилиб ва ижроси таъминланмоқда. Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шартлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-қарори чиқди.

Вазирилар Маҳкамасининг ушбу қарори талаблари тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида пойтхатимизнинг барча туман ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари 1 октябрдан эди фаолиятини бошлаган эди. Утган бир ой давомида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш борасида қандай ишлар бажаририлганини билиш мақсадида Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Нозим ЗОХИДОВга мурожаат этдик.

— Инспекция ўз фаолиятини қандай ташкил этди? — Албатта, 5 кишидан ташкил топган инспекциямиз ҳодимлари юқоридаги қарордан келиб чиққан ҳолда ўз вазифаларини тўлиқ англаб олдилар. Бунинг учун аввало ҳодимларимиз шахримизнинг тегишли идоралари мутахассислари иштирокидagi ўқув семинарларида фаол иштирок

этиб, ўз малакаларини оширишди. Хозирда инспекциямиз икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва иккинчиси рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлимига тегишли. Ишонимимиз шундаки, компьютер техникаси, алоқа тизими ва зўр меърий ҳужжатлар билан тўла таъминланганимиз. Буларнинг барчаси асосий вазифаларимизни сийқидилдан амалга оширишда ёрдам беради.

— Айтгинчи, шу кунгача қанча тадбиркор сизларга мурожаат этди? — Утган бир ой мобайнида мурожаат этган 70 та яқка тартибдаги ва 25 та юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишда ёрдам бердик. Шунингдек, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўлимида 3 та ариза қўриб чиқилмоқда ва улар ҳам муддатиде ҳал этилади. Инспекциямизга утган ой давомида мурожаат этган 20 нафар фуқарога

керакли маслаҳатларни ҳам бердик.

— Тадбиркорлар мамнун бўлишганими?

— Аввало, ўз вазифамиздан келиб чиқиб шуни таъкидлашни истардимки, тадбиркорларга қулай шартлар яратиш, уларнинг сафи кенгайишига муҳим ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Негаки, юқоридаги қарорнинг ижросини таъминлаш тадбиркорлар йўлига го бўлаётган бюрократик тўсиқларни йўқотишда, ортиқча югур-югур ва сарсонгарчиликлар, беҳуда вақт сарфлашларнинг олдини олишда катта роль ўйнади. Иқтисодий тарихимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган тадбиркорлик субъектлари сафининг кенгайиши эса халқимиз фаровонлигини таъминлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Тадбиркорларимиз ушбу қулайликдан мамнун бўлиб, ўзгача куч-ғайрат билан ўз голяри ани амалга оширишади.

Шарифа БАХРОМОВА ёзиб олди.

Иштирокчи толе ёр


ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА

Изланишлар муваффақиятларга асосий гаров бўлишини пойтхатимизда фаолият кўрсатаётган қўллаб тадбиркорлар мисолида яққол кўриш мумкин. Мана, мустақиллик шарофати билан айнанага айлиб, мамлакатимизда босқичма-босқич ўтказилаётган «Ташаббус» курик-танлови ана шундай тадбиркорларни эл-юртга танитиш билан бирга, уларни янада изланишга, янгиликлар яратиш йўлида интилишга, иқтисодий ривожига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга ундамоқда.

«Ташаббус» кашф этган тадбиркорлардан бири Саидвали Фозиев ҳам ўзи ташкил этган «ПРЕСС-С-Я» масъулиятли чекланган жамиятида сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлаш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек келажакда харидорлар товларини ишлаб чиқариб ҳориж бозорлари экспортни йўлга қўйиш учун ҳаммаша ўрғанишдан, сая-ҳаракат ва машаққатли меҳнатдан толмайдиغانлар сирасидандир.

— Корхонамиз мустақилликнинг илк йилида иш бошлаган, — дейди Саидвали Фозиев. — Ушанда жамоамиз ахли маҳсулотларни консервалашда қўлланиладиган металл қопқоқларни ишлаб чиқардик. Шунингдек маъданли сув, пиво ва бошқа салқин ичимликларни қадоқлашда ишлатиладиган металл қопқоқчалар ҳам тайёрлаб, харидорларимиз сафини кенгайтириб бордик. Тадбиркор бозорни ўрганиши, харидор талаби ва эҳтиёждан келиб чиқиб ишлаши лозимлигини англаган ҳолда маҳсулотларимиз турларини қўлайлаштириб бордик. Аҳоли учун керакли вазелин, сўнгра йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга эришдик. Бунинг учун замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишда интилдик. Энг муҳими эса янгилик яратишининг, харидор эътиборини қозонишининг, аввало икки бозорда ўрин эгаллашнинг ўзи бўлмағлини тушуниб етдик.

Албатта, том маънода, излансанг, интилинсанг, ишинг натижасиз қолмаслиги тажрибада яққол кўринди. Ўз меҳнатлари, сифатли маҳсулотлари ва янги режалари вожиға ўз хиссасини қўшишга ундайди. Корхонада ҳам бир неча йиллик тинимсиз изланишлар, танқили олимлар билан ҳамкорлик самараси бўлган «Лагоден» препаратининг тайёрланиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Негаки, Самарқанд вилояти тоғларида ўсувчи ўсимликдан тайёрланган ушбу препарат мамлакатимиздаги, шу билан биргаликда Москва ва Санкт-Петербургда шаҳарларидаги кўзга кўринган шифохоналарда муваффақиятли синовдан ўтди. Қон тўхтатувчи бу муҳим восита гинекологик, жаррохлик ва бошқа соҳаларда ниҳоятда қўл келиши билан ажралиб туради ва хозирда



Саидвали Фозиев, тадбиркор

Поитхатимиздаги мебель салонлариға кирсангиз, кўриниши, бежирим ва замонавийлиги, мустаҳкамлиги ҳамда шунинг баробарида шарқона безалиши билан эътиборингизни тортадиган маҳсулотларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўли гул тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётганлиги кўзингизни қуватиб, дилингизни фаҳра қўлдирди. Албатта, буларнинг барчаси, мустақиллик шарофати билан юртимизда тадбиркорликка очилган ойдin йўл ҳамда уларга қаратилган катта эътибор, берилаётган имкониятлар туфайлидир.

Ана шундай рақобатбардор маҳсулотлари, яъни Малайзияники билан бемалол рақобатлаша оладиган, Италияникидан асло қолишмайдиган мебеллари билан харидорлар сафини кенгайтирган корхоналардан бири «Этиқод» хусусий фирмасидир. Ҳам эл-юртга фойдаси тегиш, ҳам ўзининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, асл ниятлари эса «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли сара маҳсулотларни ҳориж бозорларига ҳам чиқариш бўлган ушбу фирма тадбиркор Абдуғани Қосимов ҳамда унинг моҳир ҳамкасблари Тоҳир Аҳмедов ва Абдусаттор Нишоновлар ҳамкорлигида 1995 йилда иш бошлаган эди. Оқдий маҳсулот — болалар қаравоти тайёрлашдан

бошланган юмуш изланиш, тинмай ўрганиш ва меҳнат қилиш натижасида катта ишга айланди.

— Бунинг ўзи бўлгани йўқ, — дейди Абдуғани Қосимов. — Биз иш бошлаган вақтимиздаёқ, масъулиятни ҳис этдик, унинг машаққатларига, тинимсиз кунлар бодор туллариға тайёр турдик. Аҳир ҳалқимиз бежизга «Тоққа чикмасанг дўлона қайда...» демаганку. Нафақат юртимиздаги, керак бўлганда ҳориж давлатларидаги мебель маҳсулотлари кўргазмаларида иштирок этдим, уларнинг тажрибасини ижодий равишда ўз корхонамизда татбиқ этиш ҳаракат қилдик. Натижа ёмон бўлмади. Гап шундаки, «Этиқод» мебеллари ички бозорда ўрнини топаётти, харидорни ҳар томонлама мамнун этаётти.

Бу ишда тадбиркорларга Италиядан келтирилган замонавий дастурлар, янги технологиялар, маҳаллий хом ашё, бозорни ҳар кун, ҳар соатда ўрганиш катта ёрдам бермоқда. Мебелсозларнинг малакаси, сичқовлиги эса ошиб бормоқда. Шу боисдан бўлса керак, 30 нафар ишчи-хизматчилар сафи 100 га етди, цехлар барпо этилиб, ҳорижий линиялар келтирилиб ўрнатилди, иш унуми, самардорлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Турларини айтмайсизми, биридан бири чиройли, нафис

ва дид билан ишланганлиги қувонарлидир. Стол-стул, юмшқ мебеллар,


шиға тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобидан эришиб келишмоқда.

• БОЗОР ВА ХАРИДОР ЭЗГУ НИЯТ — ЮТУҚЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Шинам ва файзли уйда яшашни ким ҳам истамайди дейсиз?! Айниқса, у замонавий ва бежирим мебеллар билан жиҳозланган бўлса... Идора ва офислардаги мебель, ишхонадаги стол-стулларнинг қулайлиги, талабга жавоб бериши ҳам иш унумини таъминлаши, шубҳасиз. Шу боисдан ҳам бугунги кунда харидорлар диди ва талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган тадбиркор мебелсозларимиз орасида рақобат кучайиб бормоқда. Ушбу рақобат эса маҳсулот сифатида ўз аксини топаётганлиги ниҳоятда қувонарлидир.

Идора ва офис мебелларининг хили хозирда 30 дан ортиб кетди. Шуниси эътиборлики, Абдуғани Қосимовнинг ўзи уста дизайнерлардан саналиб, ҳар бир маҳсулот кўриниши устида тинмай ишлайди. Энг муҳими эса корхона муваффақиятларига, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ишчилар сафини ошириб, қўшимча ишчи ўринлари яратили-

Албатта, қўзланган режа амалга ошириб, ишинг ўнгиндан келса, интилиш ҳам шунга яраша ошаверади, янада юксак марралар, эзгу ниятлар туғилади юракда. «Этиқод»да ҳам худди шундай. Уларнинг маҳсулотларига айна дамада қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Маҳсулот экспортини йўлга қўйиш эса янада масъ-



улият талаб этади. Негаки, жаҳон андозлари даражасида ишлаб чиқарилган маҳсулотгина четдан харидор жалб этади, ҳориж бозорида рақобатдан чўчимади. Шунинг учун ҳам мебелсозлар пухта режа асосида меҳнат қилишмоқда, сифатни энг юқори ўринга қўйишмоқда. Улар ҳорижлик ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаб, қўшма корхона ташкил этишни ниёт қилишган. Ҳа, энг асосийси яхши ният бўлсин, ҳар бир кишида. Унга эса тадбиркорлик, сая-ҳаракат, баракали меҳнат орқали эришилади. Тадбиркорлик билан иш юритаётган уста мебелсозларда эса бугун ана шу жиҳатларнинг барчаси муржасам. Демак, эзгу ниятлар уларни ҳаммаша муваффақиятларга етаклайди.

Дилноза ГИЁСОВА СУРАТДА: чиройли мебеллар харидорга ёқми шубҳасиз.

ТАДБИРКОР

Одатда қизбола ҳаммаша онадан ўрнак олади, унинг ўғитларини бир умр унутмайди, ҳар сафар ана шу ўғитлар уни яхшиликка етаклаганда онаизорларига меҳри минг чандон ортиб бораверади...

• УРТА ВА КИЧИК БИЗНЕС

МЕҲНАТ — БАХТ КАЛИТИ

Ўз меҳнати билан эл орасида, жамоадошлари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Муҳида опа ҳам ҳаммаша фарзандлари Улуғбек, Муршида, Умарбеклар билан суҳбатлашар экан, ёлғиз қизиға оқила бека, яхши аёл, меҳрибон она бўлиш сирларини эринмай насихат қилар, шу билан биргаликда «Аёл киши ҳам уйини, ҳам ишини эплаши керак. Болаларига ўралашиб ишни унутмаслиги, ишни деб фарзандлари тарбиясига эътибори сусаймаслиги керак. Шунинг учун ҳам тадбиркор бўлишга интилиш, барчасини ўз ўрнида бажариш лозим» деб таъкидларди. Ҳаётда у бунга эришарди.

Онанинг ана шундай ўғитлари, кўрсатган тажрибалари билан ўсган Муршида унга амал қилиб кам бўлмади. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ бичиш-тиқишға ихлоос қўйди. Онаси ва отаси Сотволди ака қизининг орзулари амалга

келди қадар ишланиб, ички бозорни тайёр тикув маҳсулотлари — болалар, аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари билан таъминлаш йўлида ғайрат кўрсатишмоқда. Маҳсулот турлари эса бозорни ўрганиш мақсади хилма-хиллашмоқда, харидорни талабга жавоб бериши, сифатли, замонавийлиги билан жалб этмоқда.

— Биз асосан маҳаллий хом ашё ҳисобиға харидорларға арзон ва сифатли, лекин четдан келтириладиганидан асло қолишмайдиган маҳсулотларни тайёрлаймиз, — дейди тадбиркор раҳбар Муршида Асадуллаева. — Бунинг учун мамлакатимиздаги сифатли мато ишлаб чиқарадиган корхоналар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаётимиз. Негаки маҳсулотнинг сифати, шубҳасиз, матонинг талабга жавоб беришиға ҳам боғлиқ. Шунингдек, чеварларимиз мавсумға қараб иш юритишади. Айни кунларда эса эркаклар учун кузги-қишки мавсумға мўлжалланган ички кийим ва пальтолари тикаялмиз. Шунинг айтишини истардимки, ўз фаолиятимизда ҳаммаша онамизнинг айтган ўғитларига амал қиламан, уларнинг астойдил, юракдан меҳнат қилиш лозимлиги, ана шунда муваффақият қозониш мумкинлигиға ҳақиқатга гапларини ҳаммаша эсламан. Балки тадбиркор бўли-



Муҳида

Сўранг, жавоб берамиз

БОШ ВА МУҲИМ ОМИЛЛАР

Тадбиркорлик субъекти ва объекти тадбиркорлик фаолиятида бош омиллардан ҳисобланишининг сабаблари ҳақида маълумот берсангиз. Уларнинг маънолари нимани англатади?

Шоҳида Мансурова, Моҳидил Усмонова, бўлғуси тадбиркорлар. Тадбиркорлик фаолиятиға бевосита таъсир этувчи омиллардан бири тадбиркорлик субъекти ва объекти саналади. Лотинчадан олинган «субъект» сўзи эға, «объект» эса предмет маъносини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўрсатилишича субъект деганда ақл-заковат ва ирода эғаси, борлиқни билишға, ўзгартиришға ҳодир, фаолиқ билан ҳаракат қиладиган шахс ёки ижтимоий гуруҳ англашлса, объект деганда эса киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган, билишға интилган ўз фаолиятини шунга қаратган предмет,

Қочқин барғаға баробар

НОЖЎЯ ИШ ТАШВИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға товарлар олиб келинишини тартибға солиш» тўғрисидаги қарори қабул қилинганға бир ярим йил бўлибди, лекин ҳали ҳам айрим сохта тадбиркорларимиз республикамиз ҳудудиға ҳорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда божхона тўловларини тўламайсан ҳайриқонуний йўлар билан олиб киришға, сифатсиз маҳсулотлар билан харидорларни чув тўширишға уринмоқда.

Бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютға оид жиноятларға қарши курашиш бошқармаси ва унинг туман бўлими томонидан бир қатор тезкор-тахлийий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 30 га яқин яшарин цех фаолият кўрсатаётганлиги аниқланиб, 53 миллион 900 минг сўмлик товарлар олиб қўйилди. Жумладан, бошқарманинڭ со-

ҳодиса тушунилади. Мамлакатимизда «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунға кўра ақли-хуши расо, ўз иши юзасидан қонун олдида жавоб бера оладиган ҳар бир фуқаро; фуқаролар гуруҳи, жумладан давлатға, кооперативға қарашли ва бошқа турдаги корхона-жамоа тадбиркорлиги; чет эл фуқароси ёки юридик шахси, фуқаролиги бўлмаган шахслар; аралаш мулк субъектлари тадбиркорлиқнинг субъектлари бўла олади.

Тадбиркорлик субъектлари турлича бўлиб, унда аввало аксарият кўпчиликни ташкил этувчи хусусий шахслар ёки яқка шахслар кичик ва ўрта корхоналар ёки фаолият кўрсатадилар ҳамда ўз шахсий меҳнатларига асосланадилар. Жамоа тадбиркорлиги эса ҳиссадорлик жамиятлари асосида ташкил қилиниши мумкин. Шунинг айтиш керакики, бизнес қондалари, тартиби, назорати билан шугулланувчи давлат органлари ва ундаги меҳнат жамоалари тадбиркорлик субъектлари бўла олмайди. Тадбиркорлик объекти эса ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, воситачилиқ соҳасидаги, моливий соҳадаги тадбиркорлик фаолиятлари кўринишида намоён бўлади.

Буларнинг ҳар иккаласи тадбиркорлик фаолиятининг бош ва муҳим омилларидан ҳисобланади.

юқоридаги манзиллар ва сотувчи фуқаролар бўйича ўтказилган тадбирда фуқаролардан ва хонадорлардан божхона ва сифат ҳужжатлари бўлмаган катта миқдордаги парфюмерия ҳамда кийим-кечаклар сақланиб сотилаётганлиги, уларда савдо руҳанотмаси йўқлиги, назорат-касса машинаси ўрнатилмаганлиги, унда фаолият юритувчи шахсларда тадбиркорлик гувоҳномалари йўқлиги аниқланган ва ҳамми 45.298.340 сўмлик товар-моддий бойликлар ҳамда 2.208.695 сўм нақд савдо пуллари масала қонуний ҳал бўлунға қадар олинб қўйилган ва қонуний чора қўриш учун суриштирувға топширилди. Юқоридаги аниқланган ҳолатлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Шу боисдан ҳам ана шундай ҳаракатларни давом эттириб, ноқонуний фаолият юритаётган сохта тадбиркорлар «Ножўя иш — келтирар ташвиш» деган нақлини унутмасликки лозим.

Каримжон ЗОКИРОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютға оид жиноятларға қарши курашиш бошқармасининг солиққа оид жиноятлар аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими бошлиғи.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎТГАНДИ
ДОМО БЎЛУҒ...

● Агар сиз ишни ўринли танлай билсангиз ва унга ўзингизни, бутун қалбингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни қидириб топади.

● Ҳар доим ўз севган иши билан машғул бўлиш, инсоннинг ноқадри бахтидир.

● Жисмоний меҳнат руҳий изтиробларни унутишга ёрдам беради.

● Кўнглинг гаш бўлса ишла, бу гамдан қутулишнинг ягона воситасидир. Изтиробга тушмаслик учун ишла. Ишдан бошқа ҳеч нарса бу гамнок бўшлиқдан халос этолмайди. Омадинг юришганда ҳам ишлайвер: димоғдор бўлиб кетишнинг олдини оладиган ишдан ҳам зўрроқ дори-дармон йўқ.

Байт:

**Меҳнат қилган ва сабр қилган —
Кишига ошнодир чин бахтиёрлик.**

● Бир донишманд айтди: меҳнат одамни катта фалокатдан: гамгинликдан, муҳтожликдан, энг асосийси касалликдан халос этади.

● Иш меҳр билан бажарилган тақдирдагина уни яхши деб баҳолаш мумкин.

● Ўзга хошлик ва ўз қадрини билиш фақат меҳнат ва кураш билан қўлга кирилади.

● Бутун иродани ишга солиб меҳнат қилиш керакки, иродамиз худди миёнага ўхшаб портласини тўсиқларни улқотириб ташласин.

● Ўзингни бошқалар учун меҳнатда камол топтир, асосий қонун мана шу.

● Бахтнинг энг зарур шарти — меҳнат, биринчидан, сеvimли ва озод меҳнатдир; иккинчидан, иштаха очадиган ва қаттиқ, тиниқтириб ухлатадиган жисмоний меҳнатдир.

● Бир донишманд шундай дейди:

— Фарзандлар, оталаримиз оиланинг узогини яқин, йўғини бор қилишга доимо ҳаракат қилади. У бизнинг яшашимиз учун тер тўкиб уй-жой ҳозирлайди. Ейиш-кийдириш учун тинимсиз меҳнат қилади. Биз эса уларнинг тер тўкиб ҳаракат қилишни, қўлидан келган барча яхшиликларини биз учун муҳайё қилиш йўлида жон-ҳақди билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилиш, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда унга керак бўлган барча ёрдамларни беришимиз, меҳнатдан қочмаслигимиз лозим.

Байт:

**Бахтга меҳнат
тўғри йўл солгай,
Бошқа йўл бахт
сари бормагай.**

• КЎРГАЗМАЛАР

РАНГ-БАРАНГ
МАВЗУЛАРДА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида истеъдодли rassomлар Гулнора Громованинг «Бу муҳаббат» ҳамда Татьяна Ли, Елена Ли ва Инна Кулагиналарнинг «Бог ва поллизлар—2003» номли бадий кўргазмаси очилди.

Гулнора Громованинг «Бу муҳаббат» шахсий кўргазмаси Очиқ жамият институти фонди кўмағида ташкил этилган бўлиб, муаллифнинг ҳаёти фожеали яқунланган умр йўлдошига бағишлангандир.

Айтиш жоизки, Г.Громованинг туркум асарларида абадий мавзу— муҳаббатни пайқашимиз мумкин. У портрет-картина, манзара-картина, натюрморт-картина каби жанрларда ижод қилади. Пластик ифода воситаси кирраларининг кенгайиши, янги фазовий ва образли тафаккурлар ривожига қизиқиши орқали rassom ўз ижодида реализмдан то авангардгача бўлган услубий ечимларини намойиш қилади.

Истеъдодли rassom 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги кўплаб кўргазмалар иштирокчиси. Жумладан унинг мазкур «Бу муҳаббат» кўргазмаси саккизинчи ўтказётган асарларининг намойишидир. Rassom асарлари Ўзбекистон Миллий Банки галереяси ҳамда Россия, Ўзбекистон, Туркия, Германия, Франция, Америка давлатларининг хусусий тўпламларидан муносиб ўрин олган.

«Бог ва поллизлар—2003» деб номланган Т. Ли, Е. Ли ва И. Кулагиналарнинг кўргазмасидаги асарлар ижодкорлар иктидорининг чексизлиги, теварак-атрофга бўлган илиқ муносабатлари, маънавий етуклик ва ба-



дий тафаккурларининг бетакоррлиги ила ажралиб туради.

Мазкур кўргазмада Татьяна Лининг 23, Елена Лининг 28 ва Инна Кулагинанинг 30 га яқин асарлари намойиш этилаётган бўлиб, натюрморт, йирик гуллар, кунгабоқар ва ҳайратомуз манзаралар уларнинг асосий мавзуларидир.

—Биз ушбу кўргазмадан жой олган асарларимизда Чорвоқ оромгоҳидаги гўзал манзаралар, қир-адирларни, сўлим қиш-

лоқларимизни тасвирлашга уриндик— дейди Татьяна Ли.

Дарҳақиқат, очик табиат фойдаланиш жараёнида rassomлар манзараларнинг ойдin, одадий гўзаллигини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

**Кўлдуз УСМОН
СУРАТЛАРДА: Замонавий
санъат марказидаги
кўргазмадан лавҳалар.
В.Гранкин
олган суратлар.**



Аскиятчилар тарихидан

ИЧАКУЗАР ҚИЗИҚЧИ ВА АРТИСТ

— Бу одамнинг кўринишининг ўзи кулгили эди, — дея ҳикоя қилганди Ўзбекистон халқ артисти Амин Турдиев ҳамкасби Миршоҳид Мирзоқиров ҳақида ҳикоя қиларкан, — у билан сўхбатлашган киши узок-узок вақтларгача беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб юрарди. Ҳа, Миршоҳид Мирзоқиров ана шундай ичакузар қизикчи артист эди...

Паканадан баландроқ, ўрта миёнадан пастроқ, дўнг пешона, кўзлари доим қулиб турадиган Миршоҳид Мирзоқиров 1899 йили Қўқон шаҳрида таваллуд топган. У ўн тўрт-ўн беш ёшлигиданоқ қизикчилар қаторига қўшилиб, кишиларни кулдиришга бел болаганлардан. Кейинчалик эса труппа ва театрларда комик ролларни қотириб ижро этиб, элга танила бошлаган. 1929 йили Тошкентга кўчиб келиб, Муқимий номидаги муסיқий театрга, ундан кейин Ўзбек Миллий театрида (олдинги Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри) ишлаб, комик роллар устасига айланади. Томошабинларга Мирзоқиров асосан кичик роллар ижрочиси бўлиб танилган. «Майсаранинг иши»да Мулладўст, «Ҳамлет»да гўрков, «Ревизор»да Бобчинский, «Оғрик тишлар»да Ризамат сингари кичик ролларни маромига етказиб, ҳаммиса олқишга сазовор бўлган. Унга бундай аjoyиб хизматлари учун 1937 йили Ўзбекистон халқ артисти унвони берилган. Машҳур қизикчи ва комик артист Миршоҳид Мирзоқиров 1959 йили Тошкент шаҳрида вафот этган. Унинг ўзи тўққан кулгили латифага ҳикоялари эшитувчиларга худди сарийёғдек ёққани учун кишилар хали-ҳануз қулиб, эслаб юришади.

Куйида ана шундай эсда қолган латифалардан бирини ўқийсиз.

АФАНДИГА
ЎХШАБМАН

Ҳаётда Насриддин Афандининг қилмаган хунари қолмабди. Охири қирқ жўра ўғрилар тўдасига бориб, ўғрибошига рубарў бўлибди:

— Тақсир, мени жўраларингиз сафига олсангиз.

— Майли, Афандим, оламиз, — дебди ўғрибоши, — аммо, бир шарт билан оламиз. Шарт шундай, ҳозирнинг ўзида бирорта бойнинг уйини мўлжалга олиб, кечаси бизни бошлаб борасиз. Мабодо, овимиз бароридан келиб қолса, бизни қаторимизга оламиз!

Уша захотиёқ Афанди куллуқ қилиб чиқиб кетибди-да, йўлда дуч келган бир хонадон эшигига тамга босиб, мўлжални қатъий қилиб келибди. Эрта тонготар пайтида қирқ жўрани халиги тамгаланган уйга бошлаб борибди. Ўғрилар овора бўлиб, бирорта арзғулик нарсани топиша олмадилар. Ниҳоят, қақир-қуқирлар ётган бир хонага киришибди. Афанди бундай қараса ич босиб ётган шифтда бир сурнай осиглиқ турганмиш. У сурнайни ола солиб, баралла чалаверибди. Шунда жўраларидан бири:

— Э, ўлинг, Афандим, бугунги овни расво қилганингиз етмай, сурнай чалиб, жар солишингиз нимаси? — деса, унга шундай жавоб қилибди:

— Хой жўра, қизикмисиз, ўғирлик бўлса ҳам оладиган нарсанинг ҳаммаёғини кўриб

олиш керак-да!

Мана шу латифа менга жуда-жуда ёқди. Саҳнада, ўтиришларда, улфатчиликларда кўпинча шуни такрор-такрор айтиб бераман. Охириги пайтларда бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушиб, эшитувчилар қолиб, ўзим куладиган бўлиб қолдим. Гап бундай: оилада болалар кўпайганидан кейин бизга ховли-жой беришди. Бир кун спектаклдан сўнг чарчаб бориб, ўринга ётдим. Болаларнинг ҳам бўйлари анча чўзилиб қолганди. Катта уйни таъмирлаётганимиз учун ҳаммамиз кичик уйда қатор ётгандик. Бирданга ховлида дўпир-дўпир бўлиб қолди. Келинингиз икковимиз бундай қарасак, учта девдек-девдек йигит девор наҳрасидан ошиб тушияпти. Хотиним овозини паст қилиб, «Вой ўлмасам, дадаси, ўғрилар тушишибди» деди. Бундоқ синчиклаб қарасам, хотинимнинг гапи тўғрига ўхшаб қолди. Халиги учта гавда уй томонга келаверди. Қўни-қўшиларни қақширишга илож йўқ. Хотиним мени туртиб деди: «Ҳой, Миршоҳид ака, энди нима қиламиз!»

«Бўлар иш бўлди. Энди жимгина ухлаган киши бўлиб ётавер», — дедим. Ўғрилар тепамизга келишиб, устимиздаги курпани очиб, «Турларинг!» дейишди. Уларнинг дағдағасидан уйғониб кетган болалар «ойи-ойи-лашиб, онасининг пинжига киришди. Мен ҳам таваккал қилиб, овозим борича «ойи» дедиму болалар орасига тикилдим. Хотиним жон ҳолатда ҳаммамизни қучоқлаб, «Кўркманлар, болаларим, кўркманлар! Ҳой Миршоҳид ўлгур,

намунча қалтирайсан!» деб ўшқирди. Шунда тўсатдан халиги ўғриларнинг каттаси бўлса керак, дағдағадан тўхтаб:

— Нима Миршоҳид? Бу чурвақаларнинг қай бири Миршоҳид! — деб юборди. Ушанда қалтироқ зўрлигидан бехосдан «М...мен Миршоҳид!» дебман, буни қаранг ўша савол берган ўғрибоши экан, бирдан хаҳолаб кулса бўладимиз. Шунда ўғрилардан бири «Миршоҳид ака сизмисиз?» дея мени даст кўтариб қайтадан сўради:

— Артист Миршоҳид ака-а?

— Ҳа, ўзим бўламан.

— Нима, унда бу аёл аянғизми?

— Йўқ, хотиним.

— Э борларинг-е! Ховлига чиқларинг! — деди шерикларига ўғрибоши, «Келин-ойи баҳузур-бежавотир ётаверинлар, янглишибиз. Бизнинг манави шеригимиз, шу ховлига битта одам кўчиб келган: қорни катта, басавлат, кўринишидан катта савдогарга ўхшайди, деганди. Қани, ховли эшигини очинг, Миршоҳид ака, чиқиб кетайлик», — дея учови ташқарига чиқибди. Ховлига чиққач, ўғрибоши баланд бўйли шеригига писанда қилди:

— Хўв найнов! Бу киши савдогар эмас, Миршоҳид акам бўладила! Таниб қўй, қизикчи артист бўладила! Қоринлари тўла пул эмас, турган битгани кулги!

— Майли, ҳаётда шунча янглишмовчилик ҳам бўлади, — деб қўйдим. Улар қуюқ хайрлашиб, мен очган кўча эшикдан чиқиб кетишди.

Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ

Билиб қўйган ахши

ЎТХҲР ҚУРТЛАР
КУШАНДАСИ

Шахримизда какку қушини учратиш камдан-кам одамга на-сиб этган бўлса не ажаб. Қарангки, бу ажиб қуш одам сий-рак бўлган дарактзорларда уч-раб турар экан.

Хашарот, мева-чева, қурба-қалар билан озиқланувчи бу қуш баъзан бошқа қушлар ини-ни бузишдан ҳам тап тортмас экан. Каккунинг энг катта фой-даси шуки, у ўсимлик оламини-нинг ашаддий қушандалари бўлмиш ўтхўр қуртларга қирон келтиради.

Какку бола очаётганда туху-мини бегона қушлар уясига қўйишга одатланиб қолган. Ту-хум ранги эса уни асраб олган уйнинг рангига жуда-жуда ўхшаб кетиши кузатилган. Ун-дан ташқари тухум ўлчами, ран-ги ҳам ўша бегона индаги ту-хумлардан ҳеч ҳам фарқ қил-мас экан.

12-13 кундан кейин митти каккуча тухумни ёриб чиқиб, ёруғ олам юзини кўради. Как-ку тухуми худди чумчук туху-ми каби майда бўлади. Унинг вази атиги 3 граммни ташкил этади.

Миттигина каккучанинг ишта-ҳаси жуда зўр бўлади. Ота-она эса эртадан кечгача каккучани тўйгазиш билан банд бўлади-лар. Полапон тахминан 20 кун-лар ичида катталика «даъвогар» чиқиб қолса-да, садоқатли ота-оналар уни 1,5 ой давомида ўз қармоғларида сақлайдилар.

Каккунинг кўм-кўк даракт-зорлар, зумрад ўрмонлар бар-по бўлишидаги аҳамияти бе-ниҳоя каттадир. Кўлгина барг-лар нобуд бўлган, ўзи эса ўргимчак тўрига чирмашиб кет-ган дарактларни кўриб қаттиқ хаффа бўламиз. Бу ўша семиз ўтхўр қуртларнинг қилмиши. Каккулар эса шу қуртларнинг қушандаси. Каккуларнинг кўпайиши боғ-роғларнинг кўпайиши демекдир.

АГАР АСАЛ
ТОЗА БЎЛСА...

Неаполнинг нам ҳаволи ўрмонларида яшовчи асалари-лар ўзларнинг Европа қитъа-сида яшовчи турларидан деяр-ли икки баравар йириклиги билан ажраладилар. Улар асал-ларини баланд тоғлардаги қоятошлар тешиқларига қўядилар. Асал йиғувчи «альпи-нистлар» эса катта қийинчилик билан қояларга чиқиб, арқон-лардан асалган нарвонларда ишлайдилар, ҳар бир асалчи кунига ўрта ҳисобда 40 кило-граммга яқин табиий маҳсулот-ни йиғади. Агар асал тоза бўлса унинг омади келди даяверинг, мабодо асалари рододендрон оиласига мансуб ўсимликлар-дан хом ашё намунасини олган бўлса асал захарли бўлиб ома-ди кетади.

Масаланинг чигали ва қий-инчилиги шу ердаки, осмонў-пар қояларда нарвонга осилган ҳолда ариларни инидан ҳай-даш учун олов ёқиши, бамбук таёқлари ёрдамида асални сўтаси билан синдириб йиғиб олиш ва шу ерда асал мазаси-ни тотиб кўриш мумкин эмас-лигидадир. Йиғилган маҳсулот пастга тушгандан кейин оғизда эмас, балки қўлга солиниб тек-шириб кўрилади. Тоза асал қўлга таъсир ўтказмайди, агар у захарли бўлса терини қичиштириб «чақа бошлайдди». Асал йиғувчилар йилига ўртача ҳисобда 1200 килограммгача маҳсулотга эга бўладилар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР
БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА
МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларга қуйидаги объектлар қўйилган:

Т-р	Объект номи	Объект манзили	Техник характеристикаси	Бошланғич нархи, сўм
1.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3а-уй.	481 кв.м.	9 791 800
2.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, Қорасув 2-мавзе, 23-уй.	1 761 кв.м.	32 520 663
3.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уй	17 кв.м.	2 675 141
4.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори	39 кв.м.	13 650 000
5.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори асосий биносининг, фойенинг 19-қисми	16,5 кв.м.	5 775 000
6.	Бино қисми	Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй	1080 кв.м.	30 802 280
7.	Бино қисми	Чилонзор тумани, «Ал-Хоразмий» даҳаси, 1-уй	60 кв.м.	2 665 820
8.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Қурилиш 1-торқўчаси, 6-уй	512,63 кв.м.	16 730 450
9.	Бино қисми	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 1-уй.	560 кв.м.	12 339 842
Бундан ташқари, савдоларга «Нур мажмуаси» ва қуйидаги қурилиш тугалланмаган объектлар ҳам қўйилмоқда				
10.	"Нур" мажмуаси	М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уй	1 642,0 кв.м.	750 000 000
11.	Қурилиш тугалланмаган савдо-маиший хизмат блоклари	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси.	3 000,0 кв.м.	250 000 000
12.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "А" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	6583,6 кв.м.	45 000 000
13.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "Г" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	6623,0 кв.м.	60 000 000
14.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "Н" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	4109,0 кв.м.	145 000 000
15.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "К" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	6568,9 кв.м.	130 000 000
16.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "Е" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	6419,3 кв.м.	150 000 000
17.	Қурилиш тугалланмаган бионинг "Г" блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.	6104,5 кв.м.	20 000 000

Шунингдек савдоларига «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шохобчасидаги, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ худуд-ларида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунинда «Тошкент шаҳар
муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

**Биржа савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдала-ниш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони («Пойтахт бизнес маж-муаси»нинг ғарбий қисми)да жойлашган қуйидаги объектлар қўйил-моқда:**

Т-р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм	Т-р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
1.	1-қават	118 кв.м.	43 081 800	16.	1-қават	69 кв.м.	25 191 900
2.	1-қават	56 кв.м.	20 445 600	17.	1-қават	26 кв.м.	9 492 600
3.	1-қават	110 кв.м.	40 161 000	18.	1-қават	74 кв.м.	27 017 400
4.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	19.	1-қават	147 кв.м.	53 669 700
5.	1-қават	78 кв.м.	28 477 800	20.	1-қават	65 кв.м.	23 731 500
6.	1-қават	34 кв.м.	12 413 400	21.	2-қават	205 кв.м.	74 845 500
7.	1-қават	17 кв.м.	6 206 700	22.	2-қават	434 кв.м.	158 453 400
8.	1-қават	62 кв.м.	22 636 200	23.	2-қават	141 кв.м.	51 479 100
9.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400	24.	2-қават	219 кв.м.	79 956 900
10.	1-қават	72 кв.м.	26 287 200	25.	2-қават	72 кв.м.	26 287 200
11.	1-қават	121 кв.м.	44 177 100	26.	2-қават	1004 кв.м.	366 560 400
12.	1-қават	81 кв.м.	29 573 100	27.	2-қават	385 кв.м.	140 563 500
13.	1-қават	27 кв.м.	9 857 700	28.	2-қават	235 кв.м.	85 798 500
14.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	29.	2-қават	76 кв.м.	27 747 600
15.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400	30.	2-қават	77 кв.м.	28 112 700

Биржа савдолари ҳафтанинг шанба ва яшанба кунларидан ташқари ҳар кунини «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz, Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

Спорт

ОМАД КУЛИБ БОҚАРМИКАН?

Маълумки, ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Канада мамлакатига оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларига старт берилди. 2004 йилда Греция пойтахти Афинада ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу турнирда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам голиблик учун кураш олиб боришади. Шу боисдан ҳам айни кунларда Шахрулла Махмудов етакчилигидаги 6 нафар оғир атлетикачимиз Москвада ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишмоқда. Таркибида ўринов, Уразимбетов, Устинов, Тоғаев, Рауфов, Ким, Халилов сингари кучли спортчиларни жамлаган Ўзбекистон терма жамоасидан спорт мухлислари фақатгина юқори натижаларни кутишга ҳақли албатта.

ГИЛАМДА — ЁШ ДЗЮДОЧИЛАР

Бухоро вилоятининг Олат шаҳрида 13-15 ёшли усмирлар ўртасида дзю-до бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Эътиборли жиҳати, унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 400 нафар ёш дзюдочилар иштирокидаги баҳслар қизиқарли ва муросасиз кечди. Ўз вазн тоифаларида бухоролик Қаршиев, Очилов, Умрзоқов, Шарипов, чирчилик Азимов, самарқандлик Бобаян, қашқадарёлик Норқобилов, жиззахлик Ҳамдамов, пойтахтлик Турсунов ва Амирҳамзаевлар голибликни қўлга киритишган бўлса, қизлар мусобақасида ҳам 9 та вазн тоифасида пешқадамлар номи маълум бўлди. Умумжамоа ҳисобида 21 та медални қўлга киритган бухороликлар биринчи ўринни эгаллашди. Турнир давомида 13 та медалларни жамғаришга муваффақ бўлган самарқандликларга иккинчи, 11 та медал соҳибига айланган пойтахтликларга учинчи ўринлар nasib этди.

• ФУТБОЛ

ҒАЛБИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

Нихоят миллионлаб футбол мухлисларини ҳаяжонга солган, гоҳида ранжитган, гоҳида қувонтирган жорий йилги футбол мавсуми — мамлакат XII миллий чемпионати ниҳоясига етди.

Ушбу чемпионат якунларини муҳокама қилар эканмиз, авваламбор жамоаларнинг маҳоратлари йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини таъкидлаб ўтамиз. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, ушбу мавсум пойтахтлик футбол мухлислари ёдидан асло кўтарилмайди. Сабаби, мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» яна чиройли ўйинлар намойиш этиб тўртинчи мартаба чемпионликини қўлга киритди. Тан олиш жоиз, пахтакорчилар ушбу мавсумда маҳорат ва тажриба бобида барча рақибларидан анча устун эканликларини исботлашди. Чемпионат якунлашишига 5, 6 тур қолганидагина «Сурхон»га кичик ҳисобда енгилган «Пахтакор»ни бу йилнинг энг кучли жамоаси дея эътироф этмасликнинг илоҳи йўқ. Дарвоқе, тошкентлик футболчиларнинг 25 учрашувни фақат ғалаба билан якунлаб, бор-йўғи уч мартаба мағлубиятга учраганликлари ҳам юқоридagi фикримизни исботлайди. Тўплар нисбати ҳам мактанса арзигулик — 82:23. Бошқалардан кўра энг кўп тўп киритиб, ўз дарвозасидан энг кам гол ўтказиб юборган пахтакорчиларни Осиёнинг биринчи рақамли жамоаси дея эътироф этишганлиги ҳам бежиз эмас. Дарвоқе, «Пахтакор» жамоасининг турнир жадвалида иккинчи ўринни эгаллаган «Нефтчи»дан олти очкога ўзиб кетгани ҳам ҳозирда унинг юқори спорт формасида эканлигини исботлайди.

Пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоа «Трактор» эса жорий йилда анча нотекис ўйин намойиш этди, ра-

қибларига кўпгина очколарни ҳатто ўз майдонида ҳам бой бериб қўйди. Натижада мавсум якунланишига уч тур қолганида ҳам «Трактор»нинг олий лигада қолмишмаслиги номаълум эди. Хайриятки, «Кизилқум» устидан сафарда қозонилган ғалаба тошкентликларга яна келгуси йили олий лигада ўйнаш ҳуқуқини берди. Рақибларига «ноқулай жамоа» ҳисобланган «Трактор» бу йилги мавсумда бор-йўғи 9 ғалаба, 4 дуранг натижани қайд этди, 17 мартаба эса майдондан бош эгиб чиқиб кетди. Тўплар нисбати ҳам шунга яраша — 44:62. Уйлаёмизки, бу муваффақиятсизликлар илдиизи жамоа раҳбарияти томонидан пухта ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилади ва келгуси мавсумда «Трактор» ўз мухлисларини чиройли ғалабалар билан хурсанд қилади.

Жорий йилда иккинчи, учинчи ўринлар мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Нефтчи» ва «Навбахор»га nasib этди. Фарғоналиклар 23 ғалаба, 2 дуранг, 5 мағлубият натижа билан 71 очко жамғаришди. Наманганликлар эса 19 ғалаба, 6 дуранг, 5 мағлубият билан 63 очко жамғаришди. Тўплар нисбати «Нефтчи»да 80:35, «Навбахор»да 66:28. Шу ўринда айтиш лозимки, биринчи даврада нотекис ўйини эвазига муҳим очколаридан маҳрум бўлган «Навбахор» иккинчи даврани кутилмаганда муваффақиятли ўтказдики; ўз майдонида бўлгани, рақиблар майдонини, ишончли ғалабаларни қўлга киритди. Ва мавсумни учинчи ўрин билан якунлади. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса саккизинчи бор кумуш медалларни қўлга киритди. Бу муваффақиятларда иқтидорли мураббий Юрий Саркисяннинг хизматлари катта албатта.

Жорий йилда олий лигани «Цементчи» ва «Гулистон» жамоалари тарқ этишди. Гулистонлик футболчиларнинг 21 марта рақибларидан енгилганлиги жамоанинг мавсумига пух-



та тайёргарлик кўрмаганлигини исботлайди. Шунингдек, чемпионатда «Насаф», «Кизилқум», «Машъал» жамоалари ҳам анча сермазмун ўйин намойиш этишти турнир жадвалидаги 4, 5, 6-поғоналарини эгаллашганини эслашиб ўтмоқчимиз. Жорий йилги мавсум тўпурарларини аниқлаш осон кечмади. Хар бир ўйинда майдонга фақат гол уриш иштиёқида тушган «Навбахор» ўйинчиси Мирҳолдиршоев ва «Кизилқум» футболчиси Идиатуллин рақиблари дарвозаларини 26 мартадан аниқ нишонга ола билишди. Бу йил икки футболчининг тўпурар деб топилганлиги, мавсумнинг савияси анча ошганини кўрсатади.

Шуниси эътиборлики, келгуси йилги ўн учинчи мавсумда олий лигада Тошкент шаҳрининг уч жамоаси — «Пахтакор», «Трактор» ва «Локомотив» ҳаракат қилади. Биринчи лигада муваффақиятли тўп сурган «Локомотив»нинг мухлислари ўз жамоаларидан чиройли ўйинлар кутиб қолишга ҳақлидирлар. Дарвоқе, Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳам келгуси йилдан яна олий лигада ўйнайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу мавсум барча футбол ишқибозлари қалбига олим таассуротлар қолдирди. Келгуси йилда ҳам жамоаларимиздан сермазмун ўйинлар кутиб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1	«Пахтакор»	30	25	2	3	82-23	77
2	«Нефтчи»	30	23	2	5	80-35	71
3	«Навбахор»	30	19	6	5	66-28	63
4	«Насаф»	30	19	3	8	61-40	60
5	«Кизилқум»	30	17	4	9	59-33	56
6	«Машъал»	30	13	5	12	48-40	44
7	«Андижон»	30	11	6	13	38-36	39
8	«Самарқанд-Д»	30	11	2	17	40-46	35
9	«Сурхон»	30	10	4	16	32-56	34
10	«Дўстлик»	30	10	3	17	40-59	33
11	«Кўқон-1912»	30	11	0	19	47-70	33
12	«Бухоро»	30	10	2	18	47-57	32
13	«Металлург»	30	9	5	16	36-69	32
14	«Трактор»	30	9	4	17	44-62	31
15	«Цементчи»	30	8	7	16	39-64	31
16	«Гулистон»	30	6	3	21	22-65	21

ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Икки киши суҳбатлашиб кетишарди. Улардан бири дўстига деди:
— Кеча хотиним билан ади-бади айтишгандик, сув билан уриб бошимни ёрди.
— Сув билан ҳам бошини ёриб бўларканми?
— Ахир сув кўзанинг ичида эдида!
Йигит: Азизим, айтчи, фақат мени севсанми?
Киз: Ҳа, Алишер ака!
Йигит: Алишер ким? Ахир мен Баҳодирман-

ку!
Киз: Вой, эсим курсин. Бугун чоршанба эмасми?

Бир киз ўз севган йигитига деди:
— Мени ростдан ҳам севсанми?
— Ҳеч шубҳасиз, жоним.
— Мен учун жонингни ҳам фидо қилишга тайёрмисан?
— Асло! Чунки менинг муҳаббатим абадий!—деб жавоб берди йигит.



- Отахон қаранг ҳазонларни ёқишпти-я, ахир бу турган-битгани табиатга зийён-ку!
Абдураул Ҳакимов чизган расм.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг собиқ ходими **Рустам ШАРОПОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изхор қилади

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича назорат-тафтиш бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош назоратчи тафтишчиси Собиржон Расуловнинг волидаи муҳтарамаси **АЯКИЗ аянинг** вафот этгани муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия изхор қилади.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажмин — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
3663 нусxada босилди. Кўзга биринчи А-3

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Ўзбекистон билан рўйхатта олгани

Наشريёткизи берил масалалари бўйича тузар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.